

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.1.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ САМАНДАР ПУЛАТОВИЧ

**АҲОЛИНИНГ УНУМЛИ ВА МАҲСУЛДОР
БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ АСОСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

Content of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on economic sciences

Қурбонов Самандар Пулатович

Аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигини ошириш асосида
камбағалликни қисқартириш 3

Қурбонов Самандар Пулатович

Сокращение бедности на основе повышения продуктивной и
производительной занятости населения 31

Kurbonov Samandar Pulatovich

Poverty reduction based on increasing productive and efficient employment of the
population 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ САМАНДАР ПУЛАТОВИЧ

**АҲОЛИНИНГ УНУМЛИ ВА МАҲСУЛДОР
БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ АСОСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt1604 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифаси (www.geu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий опонетлар:

Арабов Нурали Уралович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аманов Отабек Аманкулович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Етакчи ташкилот:

**Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти**

Диссертация ҳимояси 2022 йил «15» 01 да соат 10⁰⁰ да Г.В.Плеханов номидаги РИУнинг Тошкент филиали қошидаги илмий даражалар бериш бўйича DSc.22/30.12.2019.1.100.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳрибод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; E-mail: info@geu.uz.

Диссертация иши билан Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин («15» рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳрибод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; Факс: (99871) 262-43-60; E-mail: info@geu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «7» 01 куни тарқатилди.
(2022 йил «7» 01 даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



Қ.Х. Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, Ўз ФА академиги, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

З.Г. Шакаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

З.Я. Худайбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда камбағалликни қисқартириш билан бир қаторда, камбағал бўлмаганлар камбағаллик даражасига тушиб қолишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳисоботида кўра, 2019 йилда дунё бўйлаб 630 миллиондан ортиқ ишчилар, яъни деярли ҳар бешинчи киши ёки барча иш билан банд бўлганларнинг 19 фоизи ўзларини ва оилаларини ўта ёки ўртача камбағалликдан олиб чиқиш учун етарли пул тополмадилар. Бу уларнинг даромадлари харид қилиш қобилияти паритети бўйича кунига 3,20 АҚШ долларидан кам бўлганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткичнинг 2024 йилга келиб, 575 миллион кишига тушиши прогноз қилинмоқда. Шу жиҳатдан, жаҳон иқтисодиётида шаклланган бугунги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда аҳолини камбағаллик таъсири доирасига тушиб қолишининг олдини олиш, самарали бандлик турларини такомиллаштириш асосида камбағалликни қисқартиришга ҳамда унумли ва муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш негизида аҳоли даромадларини янада оширишга долзарб вазифа сифатида қаралмоқда.

Жаҳонда камбағалликни қисқартириш борасида аҳолининг тўлиқ, унумли ва муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мавжуд ишсизликни камайтириш асосида аҳоли даромадларини янада ошириш, уларнинг ҳаёт сифатини янада юксалтириш, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини доимий ошириш, яратилаётган барқарор иш ўринларида ходимларнинг муносиб меҳнатда бандлиги ҳамда унумли ва маҳсулдор бандлигини оширишга йўналтирилган тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш асосида камбағалликни қисқартириш, бунда ўзини ўзи банд қилиш, тарбиркорликни, айниқса, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқ”¹. Бу борада аҳолининг иш билан унумли бандлигини ошириш, мавжуд ва янги иш ўринларида унумли бандлик талабларини сингдириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлайдиган муносиб, унумли ва маҳсулдор бандликни рағбатлантириш бўйича чоралар ижроси самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сон фармони / URL: <https://lex.uz/docs/4776669>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”, 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сон “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 122-сон қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатда камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини ошириш, айниқса, аҳолининг меҳнат даромадларини ошириш муҳим саналади. Аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, ишсизликни камайтириш ҳамда иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида иш ҳақи, иш ўринлари ва меҳнат шароитлари муаммолари доимо иқтисодий фанлар диққат марказида бўлиб келган.

Иқтисодий фанининг машҳур намояндалари: Дж.Кейнс, А.Маршалл, Дж.Милль, Д.Рикардо, А.Смит, М.Фридман, Ф.Хайек² ва бошқа олимларнинг асарларида меҳнат билан бандликни тартибга солишнинг назарий асослари ўз ифодасини топган.

Меҳнат бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши, уни тартибга солиш каби масалалар МДХ мамлакатлари олимларидан: Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, А.И.Рофе, В.Н. Бобков, Р.М.Нуреев В.Г.Былков, А.Я.Кибанов³ ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

² Keynes, J. M. The General Theory of Employment, Interest and Money. - N.Y.: BN Publishing, 2008. -296p.; Маршалл А. Основы экономической науки. / Пер. с англ. – М.: Эксмо, 2007 г. -832 с.; Милль Дж.С. Автобиография. История моей жизни и убеждений. / Пер. с англ. – М.: Рипол-Классик, 2020 г. -384 с.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. / Пер. с англ. – М.: Эксмо, 2016 г. -1040 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. / Пер. с англ. – М.: Эксмо, 2016 г. -1056 с.; Фридман М., Фридман Р. Свобода выбирать: Наша позиция / Пер. с англ. – М.: Новое издательство, 2007. - 356 с.; Хайек Ф.А. Конституция свободы / Пер. с англ. – М.: Новое издательство, 2018 г. - 528 с.

³ Одегов Ю.Г., Карташов С., Лукашевич В. Управление человеческими ресурсами. Учебник. / Под ред. Одегов Ю.Г., Лукашевич В. – М.: Кнорус, 2020 г. – 222 с.; Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г. Экономика труда. Учебник для бакалавров. – М.: Юрайт-Издат, 2013 г. – 423 с.; Рофе А.И. Рынок труда. Учебник для бакалавров – М.: Кнорус, 2016 г. – 272 с.; Бобков В.Н., Квачев В.Г., Колмаков И.Б. Неустойчивая занятость в Российской Федерации: теория и методология выявления,

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда аҳолини иш билан бандлиги, ижтимоий-меҳнат муносабатлари, самарали иш билан бандлик, бандликни бошқариш муаммоларини тадқиқ этишга: Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзаков, Н.Қ.Зокирова, Н.Х.Рахимова, З.Я.Худойбердиев, Г.Қ.Абдурахмонова, Н.У.Арабов, Д.А.Насимов, Ш.Д.Кудбиев⁴ ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшганлар.

Шуни қайд этиш жоизки, иш билан бандликдаги ижтимоий жиҳатлар ва банд аҳолининг меҳнат даромадларини оширишга қаратилган ёндашувлар ўзбек олимларидан академик Қ.Х.Абдурахмонов тадқиқотларида кенг тадқиқ этилган.

Иқтисодий ўсиш шароитида унумли ва маҳсулдор бандлик, иқтисодий фаол аҳоли ва ишсизлик таркибидаги меҳнат потенциали ҳамда меҳнат билан банд камбағалликнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича Е.Херман, М.Жоржеску, Хао Шен, Р.Ислам, К.Аппентберг, А.Сзирмай, А.Лавопа, М.Деккер, С.Бьюгелсдийк, Р.Анкер, Ж.Хейес, Х.Эндрью ва Р.Гаммарано⁵ каби олимлар тизимли тадқиқотлар олиб боришган.

оценивание и вектор. – М.: Кнорус, 2019 г. – 342 с.; Нуреев Р.М., Ахмадеев Д.Р. Неформальная занятость. Истоки, современное состояние и перспективы развития (опыт институционального анализа) –М.: Кнорус, 2021 г. – 248 с.; Былков В.Г. Рынок труда и развитие занятости населения + Е-Приложение. (Бакалавриат). Учебник. –М.: Кнорус, 2019г. – 290 с.; Кибанов А.Я, Митрофанова Е.А., Ивановская Л.В. Социально-трудовые отношения, рынок труда и занятость персонала. Учебно-практическое пособие / Под ред.Кибанов А.Я. –М.: Проспект, 2021 г. – 64 с.

⁴ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: “Fan” нашриёти, 2019 -595б.

Умурзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий усуллари / Монография. –Т.: “Lesson Press”, 2017 й. -184 б.; Abdurahmonov Q.X., Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. O'quv qo'llanma. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2013y. -536b.; Рахимова Н.Х. Роль и место женщины на рынке труда Узбекистана. Теория и практика. – Т.: “Фан”, 2006г.; Худойбердиев З.Я. ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси асослари. 2-нашр. Ўқув қўлланма. –Т.: “ILM ZIYO”, 2017й. -344 б.; Абдурахмонова Г.Қ. Инсон ресурсларини бошқариш. Дарслик. – Т.: ЎЗР ФА “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2021. – 696б.; Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2017й. -336 б.; Насимов Д.А. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида иш билан бандлик эгилувчанлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш. Монография. -Т.: “Fan va texnologiya”, 2018. -260б.; Кудбиев Ш.Д. Методологические основы трансформации рынка труда в развитии цифровой экономики. Монография. – Т.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi» ДУК, 2020. – 178 с.

⁵ Herman, E. Productive employment in Romania: A major challenge to the integration into the European Union. *Amfiteatru Econ.* 2016, 18, 335–350.; Georgescu M., Herman E. Productive employment for inclusive and sustainable development in European Union countries: a multivariate analysis. Article in sustainability, March 2019. 20p. p2. Shen, Hao. “云南西盟”脱贫工作委员会“助力乡村发展 Yunnan Ximeng “Poverty alleviation working committee” helps rural development”, 2019. P.45.; Islam, R. The nexus of economic growth, employment and poverty reduction: An empirical analysis. In *Fighting Poverty: The Development-Employment Link*; Islam, R., Ed.; Lynne Rienne: London, UK, 2006, P.49; Uppenbergh, K.; Strauss, H. Innovation and Productivity Growth in the EU Services Sector; European Investment Bank: Luxembourg, Belgium, 2010, 56p.; Szirmai, A.; Gebreyesus, M.; Guadagno, F.; Verspagen, B. Promoting productive and sustainable employment: elaborating a knowledge and research agenda; Unu-merit: Maastricht, the Netherlands, 2013, P.67.; Lavopa, A.; Szirmai, A. Structural modernisation and development traps. An empirical approach. *World Dev.* 2018, 112, P.59–73.; M.Dekker, W.Simbanegavi, S.Hollander, O.Miroro. Productive employment. Boosting productive employment in Africa: What works and why?. Synthesis report series. Social protection, Strategic actors. Include. November, 2018. 63p. p.7.; Beugelsdijk, S.; Klasing, M.J.; Millionis, P. Regional economic development in Europe: the role of total factor productivity. *Reg. stud.* 2018, 52, p 461–476.; Anker, R.; Chernyshev, I.; Egger, P.; Mehran, F.; Ritter, J. Measuring Decent Work with Statistical Indicators; International Labour Office (ILO): Geneva, Switzerland, 2002; EU. Smarter, Greener, More Inclusive? Indicators to Support the Europe 2020 Strategy; Publications Office of the European Union: Luxembourg, 2017; Heyes, J. Flexicurity in crisis: European labour market policies in a time of austerity. *Eur. J. Ind. Relat.* 2013, 19, 71–86.; Andreß, H.J.; Lohmann, H. The Working Poor in Europe; Edward Elgar Publishing: Cheltenham, UK, 2008; ISBN 9781848443761.; Eurofound. In-Work Poverty in the EU; Publications Office of the European Union: Luxembourg, 2017; ISBN 978-92-897-1602-4.; R.Gammarano. The working poor or how a job is no guarantee of decent living conditions. // A study based on ILO’S global estimates of employment by economic class. N°6–April 2019. 11p. p2.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсадларидан бири бўлган, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини ошириш бўлиб, аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлиги тизимли тадқиқ этилмаганлиги ҳамда услубий ва концептуал ёндашувлар етарлича илмий асосланмаганлиги ушбу муаммоларни назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ўрганишни талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-5 “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва либераллаштириш шароитида ижтимоий меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг илмий асослари” мавзuidaги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигини ошириш ҳамда камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳоли иш билан бандлигининг камбағалликни қисқартиришдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳамда унумли ва маҳсулдор бандликнинг концептуал асосларини очиқ бериш;

халқаро тажрибалар асосида мамлакатда унумли ва маҳсулдор бандликни оширишдаги асосий йўналишларни аниқлаш;

Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ва уни қисқартириш жараёнлари ҳолати таҳлилин аналга ошириш;

камбағалликни қисқартиришда Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизими ва меҳнат бозори кўрсаткичлари таҳлилин аналга ошириш;

унумли ва маҳсулдор бандликни шакллантирувчи асосий мезонлар ва муҳим омилларни тавсифлаш;

ижтимоий сўровнома асосида ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улушига таъсир этувчи омилларни эконометрик модель ва прогнозлаш асосида баҳолаш;

камбағаллик таъсири доирасидаги иш билан банд шахсларни аниқлаш ва мониторингини олиб бориш бўйича механизм таклиф этиш;

камбағалликни қисқартиришда аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигини рағбатлантириш механизмлари фаоллигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси меҳнатга лаёқатли аҳолисининг иш билан унумли ва маҳсулдор бандлиги ҳамда камбағаллик даражаси ҳолати олинган.

Тадқиқотнинг предметини меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан унумли ва маҳсулдор бандлигини оширишда юзага келадиган иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида тизимли таҳлил, гуруҳлаш, мантиқий фикрлаш, комплекс баҳолаш, мантиқий ва таққослама

таҳлил, статистик ва эконометрик моделлаштириш, истиқболли прогнозлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иш билан банд аҳолининг камбағаллик таъсир доирасига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган унумли ва маҳсулдор бандликни баҳолаш услубиёти оила шароитида банд бўлганлар, кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар кабиларни фаол эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлайдиган муносиб, унумли ва маҳсулдор бандликни рағбатлантириш бўйича чораларни ижро ҳокимиятининг юқори кучга эга бўлган тузилмаси ваколати таркибига киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сонини ҳисоблаш ёндашуви меҳнат бозоридаги унумли ва маҳсулдор банд аҳоли, банд бўлган аҳоли ва камбағаллик таъсири доирасидаги иш билан банд аҳоли нисбатларини эътиборга олиш асосида такомиллаштирилган;

ишсиз ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, зарур касбга қайта ўқитишга сарфланаётган харажатлар натижадорлигини ошириш, ёшлар маҳсулдор бандлигини таъминлаш мақсадида иш берувчилар ва ёшлар ўртасида муддатли ва муддатсиз “Кўнгилли бандлик” тизимини йўлга қўйишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

аҳоли даромадларини ошириш, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда унумли ва маҳсулдор бандликнинг муҳим омил эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий фаол аҳолининг камбағаллик таъсир доирасида мавжудлиги таснифидан келиб чиққан ҳолда унумли ва маҳсулдор иш билан бандликнинг илмий-назарий асослари тизимлаштирилиб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

ижтимоий сўровнома орқали иш билан банд аҳоли таркибидаги камбағаллик мезонлари аниқланиб, эконометрик таҳлил ва прогнозлаш ёрдамида унумли ва маҳсулдор бандликни ошириш асосида камбағалликни қисқартириш асослаб берилган;

унумли ва маҳсулдор бандлик тақчиллиги таркибида камбағаллик таъсири доирасидаги иш билан банд шахсларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ва “Ягона Миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали аниқлаш ва мониторингини олиб бориш механизми ишлаб чиқилган;

давлат, нодавлат ва норасмий институтлар томонидан унумли ва маҳсулдор бандликни рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилган;

меҳнат бозорида унумли ва маҳсулдор бандлик истиқболли диаграммасида меҳнат ресурслари таснифланган;

халқаро тажрибалар асосида мамлакатда унумли ва маҳсулдор бандликни оширишнинг асосий йўналишлари тавсифланган;

унумли ва маҳсулдор бандликни шакллантирувчи асосий мезонлар ва омиллар аниқланган;

Ўзбекистонда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улуши, унга таъсир этувчи омилларнинг расмий статистик маълумотлари асосида, 2020-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларидан фойдаланилгани ҳамда хулоса ва таклифлар тегишли таркибий тузилмаларда амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар аҳолининг унумли, маҳсулдор ва муносиб меҳнат билан бандлигини рағбатлантиришда замонавий меҳнат шароитларига эга, самарали ва барқарор иш ўринлари яратиш, уларда тенг меҳнатга тенг ҳақ тўлаш тамойили асосида барқарор иш ҳақи билан ходимларни ўз вақтида рағбатлантириш, малакасини мунтазам ошириб бориш каби камбағалликни қисқартиришдаги муҳим йўналишларни мувофиқлаштиришда мавжуд илмий аппаратни янада бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар ва ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни асослашда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унумли бандлик ва юқори даромадли иш ўринларини ташкил этиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда, шунингдек “Меҳнат иқтисодиёти”, “Меҳнат бозори иқтисодиёти”, “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш”, “Инсон ресурсларини бошқариш” ва “Замонавий меҳнат иқтисодиёти” фанлари бўйича ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иш билан банд аҳоли унумли ва маҳсулдор бандлигини ошириш, рағбатлантириш ҳамда иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидагиларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва мониторингини олиб бориш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иш билан банд аҳолининг камбағаллик таъсир доирасига тушиб қолишини олдини олишга қаратилган унумли ва маҳсулдор бандликни баҳолаш услугиётини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон Қарори 1-илоvasи 8-мақсадининг 8.3-миллий вазифаси юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2030 йилгача бўлган

даврда бандликни ошириш ва камбағалликни камайтириш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда фойдаланилди (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 3 июндаги 01/00-02/15-6687-сон маълумотномаси). Мазкур услубиётдан фойдаланиш натижасида унумли ва маҳсулдор бандлик тақчиллигини баҳолашнинг аниқлик даражасини оширишга эришил;

аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлайдиган муносиб, унумли ва маҳсулдор бандликни рағбатлантириш бўйича чораларни ижро ҳоқимиятининг юқори кучга эга бўлган тузилмаси ваколати таркибига киритиш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-боб 7-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатлари) 5-хатбоши: “аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлайдиган муносиб, унумли ва маҳсулдор бандликни рағбатлантириш бўйича чораларни амалга оширади” деб номланган пунктни шакллантиришда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 3 июндаги 01/00-02/15-6687-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатда аҳолининг муносиб, унумли ва маҳсулдор бандлигини рағбатлантиришга қаратилган чоралар Ҳукумат ваколатлари таркибига киритилди ва пировард натижадорлик камбағалликни қисқартиришга қаратилган;

иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сонини ҳисоблаш ёндашувини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом” асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 3 июндаги 01/00-02/15-6687-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши иш билан банд шахслар меҳнат даромадлари ва оиланинг бошқа даромадлари таҳлилидаги аниқлик икки баробарга ошди, иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидаги шахсларни тез ва бехато аниқлаш имконияти пайдо бўлган;

ишсиз ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, зарур касбга қайта ўқитишга сарфланаётган харажатлар натижадорлигини ошириш, ёшлар маҳсулдор бандлигига кўмаклашиш мақсадида иш берувчилар ва ёшлар ўртасида муддатли ва муддатсиз “Кўнгилли бандлик” тизими бўйича таклифлардан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурларда кенг фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирлигининг 03.06.2021й.даги 01/00-02/15-6687-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, “Кўнгилли бандлик” тизимини амалиётга жорий этиш бўйича лойиҳавий ҳужжатлар тегишли органларга тақдим этилган;

аҳоли даромадларини ошириш, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигига кўмаклашиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда унумли ва маҳсулдор бандликнинг муҳим омил эканлиги бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 апрелдаги ПҚ-5094-сон “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 3 июндаги 01/00-02/15-6687-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар турларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича унинг асосий ғоялари ва мазмунини акс эттирган жами 31 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган республика журналларида 5 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та, шунингдек, илмий амалий конференцияларда 9 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 149 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган бўлиб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу юзасидан нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Камбағалликни қисқартиришда унумли ва маҳсулдор бандликнинг назарий-концептуал асослари”** деб номланган бўлиб, камбағалликни қисқартиришда аҳоли иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, унумли ва маҳсулдор бандлик асосида камбағалликни қисқартиришдаги назарий-концептуал асослар тадқиқ этилган ҳамда аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигини оширишда халқаро тажрибалар ўрганиб чиқилган.

Унумли ва маҳсулдор бандликнинг моҳияти, мазмуни ва шаклланиши хусусиятларини тавсифловчи назарий ёндашувларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш асосида камбағалликнинг олдини олишда “иш билан банд камбағаллик” даражасини камайтириш бўйича турли қарашлар ўрганиб чиқилган.


Шунингдек, камбағаллик ва қашшоқлик ўртасидаги фарқлар, камбағалликнинг халқаро ва миллий чегаралари, камбағалликни аниқлаш, уни қисқартириш ва олдини олиш бўйича турли ёндашувлар, камбағалликни олдини олишда аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигининг ўрни, унумли ва маҳсулдор бандлик бўйича назарий-концептуал ёндашувлар, уларни шакллантириш мезонлари ва омиллари илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган.

Муаллиф томонидан ҳар қандай мамлакат мавжуд камбағалликка қарши курашишда фақат уни қисқартиришга урғу бермасдан, унинг келиб чиқиш сабабларини чуқур илмий ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриши лозимлиги, қолаверса, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда иш билан банд деб эътироф этилган шахслар меҳнат даромадига эга бўлганлиги сабабли, камбағалликка тушиш эҳтимоли чуқур ўрганилмаслиги ва иш билан банд бўлган шахс камбағаллар рўйхатига киритилмаслиги каби ҳолатлар бўйича турли назарий қарашлар тадқиқ этилган.

Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан жаҳон мамлакатларида камбағалликни қисқартиришнинг бир нечта концепциялари илгари сурилган бўлиб, камбағалликни қисқартиришнинг иккита асосий тури кўрсатиб берилган: камбағалликдан қутқариш ва камбағалликни олдини олиш (1-расм).

Муаллиф ўз тадқиқотида камбағалликни олдини олиш (Б) сценарийсини танлаган. Бунда фуқароларни камбағалликка олиб келувчи омиллар таъсирини мунтазам камайтириш асосида фуқароларни камбағаллик таъсирига тушишини олдини олиш назарда тутилади. Таклиф этилаётган

ушбу усул эса мамлакатда аҳоли камбағаллик таъсирига тушишининг эҳтимолий жиҳатларини ўрганиш, бартараф этиш ва мавжуд камбағаллик даражасини фақат камайтириш тенденциясига эга дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга асосланади.



1-расм. Камбағалликни қисқартириш усуллари⁶

Тадқиқот ишида муаллиф муаллиф томонидан аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигини ошириш асосида камбағалликни олдини олиш мумкинлиги, бу эса мамлакатда мавжуд камбағалликни қисқартиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилиши илмий асослаган.

Муаллиф фикрича, аҳоли даромадларининг асосини меҳнатдан келадиган даромадлар ташкил этар экан, аҳолининг тўлиқ, унумли, маҳсулдор ва муносиб иш билан бандлигини рағбатлантириш ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади ҳамда камбағалликни қисқартиришда асосий ўрин эгаллайди.


Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) тавсиясига кўра⁷, унумли бандлик бу: “ишчиларга ва уларнинг қарамоғида бўлганларга камбағаллик чегарасидан юқори истеъмол даражасига имкон бериш учун меҳнатга етарли рентабеллик” берадиган фаолият ҳисобланади.

Муаллиф фикрича, кўпгина МДХ давлатлари илмий адабиётларида ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида “унумли” атамаси ўрнига “самарали” атамасидан фойдаланилган. Бу эса, “унумли бандлик”ни ишчи кучидан самарали фойдаланиш контенгентига кириб қолишига замин яратибгина қолмасдан, “унумли бандлик” таърифини ҳам чеклаб қўйган.

Манфаатлар камровига кўра, маҳсулдор бандлик хусусияти шундан иборатки, барқарор иш жойида ёлланма ходим учун етарли иш ҳақи, муносиб меҳнат шароитлари мавжуд бўлади. Унумли бандликда эса барқарор иш жойида ёлланма ходим учун муносиб меҳнат шароитлари яратилган бўлиб, ўзи ва қарамоғидагилар учун камбағаллик чегарасидан юқори даражада “ушлаб турувчи” етарли меҳнат ҳақи тўлаш талаби қўйилади (2-расм).

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

⁷ ILO (ХМТ). Understanding Deficits of Productive Employment and Setting Targets: A Methodological Guide; International Labour Office, Employment Sector: Geneva, Switzerland, 2012; ISBN 978-92-2-125990-9. P3.



2-расм. Иш билан банд шахснинг унумли ва маҳсулдор бандликдаги манфаатлари қамрови⁸

Унумли ва маҳсулдор бандликка таъриф беришда, асосан уларнинг самарали бандлик хусусиятлари ва муносиб меҳнат тамойилларидан келиб чиқиш лозим. Унумли ва маҳсулдор бандлик муаллифлик таърифи қуйидагича:

Самарали бандлик аҳоли иш билан бандликка эҳтиёжининг мавжуд иш ўринларига мувофиқ келишидаги сифат хусусияти бўлиб, иқтисодий нуқтаи назардан меҳнат ресурсларидан энг оқилона фойдаланишни, ижтимоий жиҳатдан меҳнат фаолиятининг инсон манфаатларига энг мувофиқ келишини билдиради⁹.


Унумли бандлик – қарамоғида бир ва ундан ортиқ шахслар бўлган, ўзи ҳамда қарамоғидагиларнинг ҳар бири учун белгиланган камбағаллик чегарасидан юқори даражадаги истеъмоли учун етарли даромад келтирадиган меҳнат фаолияти.

Маҳсулдор бандлик – боқувчи ҳисобланмаган, меҳнат даромади фақат ўзига тегишли бўлиб, белгиланган камбағаллик чегарасидан юқори даражадаги истеъмол учун етарли даромад келтирадиган меҳнат фаолияти (3-расм).

Тадқиқот жарёнида меҳнат фаолиятдан олинadиган даромадларнинг паст даражаси ва уларнинг “соя солиши” (мавжуд солиқлар ва мажбурий тўловлар натижасида) ижтимоий тўловларнинг паст миқдорда қолишини, хусусан, пенсия ва нафақалар миқдори юқори даражада белгиланишига тўсқинлик қилади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли орасида камбағаллик улуши сақланиб қолишига, хусусан, фаол бўлмаган аҳолининг камбағаллик таъсир доирасига тушиб қолишига замин яратиши аниқланган.

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁹ Г. Абдурахмонова. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография.-Т: 2014. 276б. 33-бет.



3-расм. Ўзбекистонда унумли ва маҳсулдор бандлик истикболли диаграммасида меҳнат ресурсларининг таснифланиши

Шунингдек, иш билан банд камбағаллик таъсир доирасидаги шахслар мамлакат статистикасидаги аҳоли бандлиги бўйича кўрсаткичлар жозибдорлигини максимал даражага олиб чиқишда катта аҳамиятга эга. Бироқ, ХМТ таъбирида “заиф” деб ҳисобланган (ўзини ўзи банд қилиш, яқка тартибдаги тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик) бандликдан “ойлик иш ҳақи асосида банд” бўлиш сари имкон қадар тез интеграциялашиш лозимлиги таъкидланган.

Муаллиф назарий-концептуал асослар бўйича таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, иш билан банд камбағалларнинг мавжудлиги мамлакатдаги камбағаллик даражасининг ошишига ҳам самарали ҳисса қўшиб боришини асослаб берган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, аҳолини унумли ва маҳсулдор бандлиги асосида ижтимоий муҳофазалаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳар қандай мамлакат олдида турган асосий вазифалардан бирidir. Ушбу йўналишда энг юқори натижаларга эришган: Швеция, АҚШ, Канада, Франция, Япония, Буюк Британия, Чехия, Финландия ва Хитой тажрибалари, тадбиркорлик асосида аҳоли бандлигини оширишда қўшни Қозоғистон тажрибаси ўрганиб чиқилди.

Хусусан, Хитойнинг “10 000 корхона 10 000 та қишлоққа ёрдам беради”¹⁰ (万企帮万村村) лойиҳаси хусусий сектор ва жамиятнинг мақсадли камбағалликни қисқартиришга қўшилишининг кенг қўламли намунаси эканлиги, у учта механизм: (1) саноат орқали камбағалликни қисқартириш,

¹⁰ "国务院扶贫开发领导小组办公室 脱贫攻坚有关文件 全国工商联 国务院扶贫办 中国光彩会关于推进 "万企帮万村" 精准扶贫行动的实施意见 Opinions of the national glorious society of the all-China, Federation of industry and commerce's state council poverty alleviation office on promoting "10,000 enterprises help 10,000 villages". URL: www.cpad.gov.cn

(2) унумли бандлик орқали камбағалликни қисқартириш ва (3) жамоат фаровонлиги асосида камбағалликни қисқартириш бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Тадқиқотда муаллиф камбағалликни қисқартириш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, “Маҳаллабай” ишлаш тизими, “Темир дафтар” ва унинг муқобиллари - “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” юритилиши бўйича тажрибаларга ҳам алоҳида урғу бериб ўтган.

Диссертация ишининг **“Камбағалликни қисқартиришда Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизими ва иш билан бандлик кўрсаткичлари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ва уни қисқартириш жараёнлари ижтимоий-иқтисодий таҳлили, камбағалликни ўлчашнинг мавжуд усуллариани такомиллаштириш имкониятлари, камбағалликни қисқартиришда ижтимоий ҳимоя тизими ва меҳнат бозори кўрсаткичлари таҳлили, унумли ва маҳсулдор бандликни шакллантирувчи асосий мезонлар ҳамда ижтимоий сўровнома асосида унга таъсир этувчи омиллар аниқланган.

Диссертация ишида Ўзбекистонда камбағаллик чегарасини ҳисоблаш учун уй хўжаликлари (аҳоли) озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга сарфланадиган харажатлар кўрсаткичи бўйича таҳлиллар амалга оширилган. Ўзбекистондаги инсон учун ўртача минимал калория эҳтиёжи кунига 2100 калория¹¹ миқдорида белгиланган. Озиқ-овқат истеъмол қилиш харажатлари камбағаллик даражаси билан таққосланади. Жаҳон банкининг қайта кўриб чиқилган методологияси¹², уй хўжаликларининг бюджети бўйича тадқиқотлар маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистондаги камбағаллик чегарасини аниқлашда қўлланилиши келтириб ўтилган.


Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 11,5%и ўзларининг асосий истеъмол эҳтиёжларини қондира олмайди (4-расм).

Табийки, қишлоқ жойларда шаҳар аҳолисига нисбатан камбағаллик ва ўта камбағаллик даражаси юқори кўрсаткичлар қайд этилади. Маълумки, Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг асосий манбаи (70%идан ортиғи) ойлик иш ҳақиға тўғри келади¹³. Шундай экан, 2020 йилда аҳолининг бандлик даражаси 2001 йилга нисбатан 2,4% пунктга, 2005 йилга нисбатан 1,7% пунктга, 2019 йилга нисбатан эса 2,1% пунктга қисқарган. 2001-2019 йиллар давомида аҳоли таркибидаги ижтимоий эҳтиёжмандлик улуши ҳам қисқариб борган, бироқ 2020 йилда ушбу кўрсаткич 0,5% пунктга ошган. Бундай ҳолатни COVID-19 пандемияси билан изохлаш мумкин. Ушбу ижтимоий эҳтиёжмандлик улуши, Жаҳон банки тавсиясиға кўра, киши бошиға кунига 2100 килокалориядан келиб чиқиб ҳисоблаб келинган. Бироқ бугун ижтимоий эҳтиёжмандлик ва камбағаллик чегараларини белгилаш ўзгача кўриниш олди.

¹¹ Ўзбекистонда БМТ ФАО тавсиялари асосида фойдаланилади.

¹² Ўзбекистондаги турмуш даражасини баҳолаш: қайта кўриб чиқилган ва янгиланган версияси. Жаҳон банки 2020 йил.

¹³ Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми асосий даромад манбаи ойлик иш ҳақи эканини маълум қилди. / URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/11/09/the-salary/>



4-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳоли бандлиги даражаси ва ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улуши динамикаси, %¹⁴


Аҳолининг ижтимоий муҳофаза тизимидаги асосий ижтимоий стандартларни белгилашда камбағаллик чегараси замин бўлиб хизмат қилади.

Белгиланган даврда инсон фаровонлиги даражасини ўлчашда фойдаланиладиган 2 та кўрсаткич мавжуд: аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол харажатлари. Даромадларнинг истеъмолга нисбатан ўзгарувчан бўлиши, баъзи даромад манбаларини аниқлашнинг мураккаблиги, даромадлар тўғрисидаги ёлғон маълумотларнинг келтирилиш даражаси юқори бўлганлиги учун амалиётда иккинчи кўрсаткичдан фойдаланиш тавсия этилади. Шу билан бирга, фаровонлик кўрсаткичи сифатида истеъмол харажатлари маълумотларидан фойдаланишда эса, вақт ўтиши билан нархларнинг ўзгаришини, айрим мамлакатлар ўртасидаги нархлар фарқини, уйда истеъмол қилинадиган товарлар (шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари), уй хўжаликлари томонидан қабул қилинадиган жамоат товарлари ва хизматлари нархлари (бепул ёки субсидияланган тиббий ёрдам, мактаб овқатлари, халқ таълими) кабиларни ҳисобга олган ҳолда бу кўрсаткичга баъзи тўғрилашларни киритиш лозим бўлади.

Ижтимоий эҳтиёжманд аҳолининг умумий аҳоли сонидagi улуши 2015-2020 йиллар давомида камайиш тенденциясига эга бўлган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2015-2018 йилларда Ўзбекистонда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улуши 12,8% дан 11,4% гача, шаҳарларда 9,5% дан 8,4% гача ва қишлоқ жойларда эса, 15,9% дан 14,3% гача камайган. 2019 йилда бошланган COVID-19 пандемияси ижтимоий ҳолатга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 2019 йилда мамлакат миқёсида ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улуши 11,0%, қишлоқ жойларда 14,2% ва шаҳарда 8,1%ни кўрсатган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич шаҳарда


¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

8,3% ва мамлакат миқёсида 11,5%га тенг бўлди. Бироқ қишлоқ жойларда ижтимоий эҳтиёжмандлар улуши камайишда давом этган (5-расм).



5-расм. Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва қишлоқ кесимида ижтимоий эҳтиёжманд аҳолининг умумий аҳоли сонигаги улуши¹⁵ (шаҳар-қишлоқ, %да)

Халқаро тажрибаларни ўрганиш натижаларига кўра, муаллиф камбағаллик кўпроқ инфратузилмаси яхши бўлмаган қишлоқ жойларга ўз таъсирини кўрсатишини таъкидлаб ўтган.



6-расм. Иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги ўзларини камбағал деб ҳисоблайдиганлар улуши¹⁶, %да


Диссертант фикрича, иш билан таъминланиш ҳар доим ҳам камбағалликдан чиқиш учун етарли даражада юқори даромадни таъминлай олмайди. Сўров натижалари ойлик иш ҳақи асосида банд бўлганларнинг

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

¹⁶ Ижтимоий сўровнома асосида ўтказган тадқиқот натижалари

29,8%и меҳнат даромадлари мавжудлигига қарамай, ўзларини камбағалликда яшайди деб ҳисоблашди (6-расм).

Сўровномада келтирилган “Қарамоғингизда неча киши бор?” ва “Ўртача реал ойлик иш ҳақи миқдори қанча?” деган саволлар асосида иш билан банд камбағаллар сонини аниқлашга мувофиқ бўлинди (7-расм). Асосий боқувчи қарамоғидаги шахслар сонининг ортиб бориши уни камбағаллик таъсир доирасига тушиши эҳтимоли ортишига олиб келиши аниқланди.



7-расм. Меҳнат даромади қарамоғидаги ҳар бир шахсни кам таъминланганлик чегарасидан юқори истеъмолини таъминлаш даражаси, %да

Сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, расмий иш билан банд бўлганларнинг 20,1%и ўзи ва қарамоғидагиларнинг ҳар бирини амалдаги кам таъминланганлик чегарасидан юқори истеъмолини таъминлай олмапти.

Муаллиф, Халқаро Меҳнат Ташкилоти бугунги кунда иш билан банд камбағаллар ва иш билан банд қашшоқлар статистикасини юритаётган бир пайтда, Ўзбекистон биринчилардан унумли ва маҳсулдор бандлик даражаси, камбағаллик таъсир доирасидаги иш билан банд аҳоли сони каби кўрсаткичлар ҳисоби ва мониторинги асосида мавжуд камбағаллик даражасини қисқартириб бориш мумкинлигини асослаб берган.

Диссертациянинг “Аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигини ошириш асосида камбағалликни қисқартиришдаги истиқболли йўналишлар” деб номланган учинчи бобида мамлакатда мавжуд ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли (расмий статистика ҳисоботларида “кам таъминланганлар” деб юритилади) улуши ва унга таъсир этувчи омиллар расмий статистика кўрсаткичлари асосида прогноз кўрсаткичлари баҳоланган, шуниндек, Ўзбекистонда унумли ва маҳсулдор бандлик тақчиллигини ҳисоблаш ва мониторингини олиб бориш имкониятлари, унумли ва

маҳсулдор бандлик тақчиллигини ҳисоблаш услубиёти, камбағалликни қисқартиришда аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигини рағбатлантириш механизмлари ҳамда истикболли йўналишлари бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда 2010-2020 йилларда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улуши ва унга таъсир этувчи омиллар асосида кўп омилли эконометрик модель тузиш, тузилган моделни турли тестлар орқали текшириш ҳамда моделнинг статистик аҳамиятини аниқлаб, келгуси даврларга прогнозлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича илмий асосланган қарорлар қабул қилиш имкониятини берди.

Тадқиқот доирасида ўтказилган сўров натижаларидан келиб чиқиб, мамлакат миқёсида ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улушига таъсир этувчи қуйида: кутилаётган умр кўриш давомийлиги (йил), иқтисодий нофаол аҳоли (минг киши), иш билан банд аҳоли (минг киши) ҳамда ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи (сўм) каби омиллар танлаб олинган.

Кўп омилли эконометрик моделни қуришда эрксиз ва эркли ўзгарувчилар (2010 - 2020 йиллар) сифатида қуйидаги белгиланишлар киритилди:

- эрксиз ўзгарувчи: (y) - ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улуши (%да);
- эркли ўзгарувчилар: x_1 - кутилаётган умр кўриш давомийлиги (йил);
- x_2 - иқтисодий нофаол аҳоли (минг киши); x_3 - иш билан банд аҳоли (минг киши); x_4 - ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи (сўм).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган эконометрик таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Кўп омилли эконометрик моделнинг ҳисобланган параметрлари

Ўзгарувчилар	Коэффициентлар	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
c	-10,469	9,028	-1,160	0,290
$\ln x_1$	6,568	1,727	3,803	0,009
$\ln x_2$	0,155	0,151	1,024	0,345*
$\ln x_3$	-1,396	0,284	-4,908	0,003
$\ln x_4$	-0,235	0,050	-4,710	0,003
Кузатувлар сони	Меъёрлаштирилган, R^2	R-квадрат	F-статистика	Эҳтимоллик (F-статистика)
11	0.990	0.994	252.578	8.19E-7

* 10 %ли эҳтимоллик билан статистик жиҳатдан аҳамиятли.

Эконометрик таҳлилларнинг кўрсатишича, иқтисодий нофаол аҳоли (x_2) 5,0% статистик эҳтимоллик билан ижтимоий эҳтиёжманд аҳолининг улушига таъсири аҳамиятсиз. Шу жиҳатдан ушбу ўзгарувчи моделдан чиқарилди. Демак, келтирилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўп омилли эмпирик эконометрик моделнинг математик кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\ln \hat{y} = -10.469 + 6.568 \ln x_1 - 1.396 \ln x_3 - 0.235 \ln x_4$$

(9.028) (1.727) (0.284) (0.050)

Бу ерда қавслар ичидагилар ҳар бир омилнинг стандарт хатолиги ҳисобланади.

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель шуни кўрсатадики, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улушининг ошишига кутилаётган умр кўриш давомийлиги (x_1) хизмат қилади. Бошқача айтганда, умр кўриш давомийлигининг 1 йилга ортиши ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улушини 6,57% бандга оширади.

Шунингдек, иш билан банд аҳоли сонининг ортиши (x_3) ҳамда ўртача ойлик иш ҳақининг (x_4) кўтарилиши ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улушига тескари таъсир этади. Мамлакатда иш билан банд аҳолининг 1,0% бандга ортиши ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улушини 1,4% бандга камайтиради ҳамда ўртача иш ҳақининг 10,0%га ортиши эса, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улушини 2,3% бандга камайтиради ва олинган натижалар 0.05 эҳтимоллик даражаси билан статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади.

2-жадвал

Ижтимоий эҳтиёжмандлар улуши ва унга таъсир этувчи омилларнинг прогноз кўрсаткичлари¹⁷

Прогнозланаётган кўрсаткичлар	Прогноз хатоси, (% да)	Прогноз кўрсаткичлар				
		2021й.	2022й.	2023й.	2024й.	2025й.
Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улуши, (%)	4,59	11,9	12,3	12,9	13,6	14,4
Кутилаётган умр кўриш давомийлиги, (йил)	0,14	75	76	76	77	78
Иш билан банд аҳоли сони, (минг киши)	1,12	13585	13654	13717	13776	13831
Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи, (сўм)	6,19	3034745	3487153	3977907	4507007	5074453

Олиб борилган эконометрик таҳлил натижасида мамлакат миқёсида ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улуши, кутилаётган умр кўриш давомийлиги ва иш билан банд аҳоли сони ҳамда ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи каби омилларнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди (2-жадвал).

Тадқиқот жараёнида аниқланган ҳисоб-китобларга кўра, прогнознинг ўртача мутлақ фоиз хатосининг (*Mean Absolute Percentage Error*) юқори қийматлари иқтисодий нофаол аҳоли сонини ҳамда ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи динамикасини прогнозлашда юзага келиб, мос равишда унинг қийматлари 7,21% ва 6,19 %ни ташкил этди. Бироқ, мазкур қийматларнинг *MAPE* <10% чегарадан ошиб кетмаганлиги, амалга оширилган прогнознинг сифатини юқори деб баҳоланишига асос бўлиб хизмат қилди.

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, 2021-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат ўзгаришсиз қоладиган бўлса, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли улуши 2021 йилда

¹⁷ Муаллиф ҳисоб-китоби асосида ишлаб чиқилган.

11,9% дан 2025 йил 14,4% гача ўсишини кўрсатмоқда. иқтисодий нофаол аҳоли ва ижтимоий эҳтиёжмандлар улушининг ортиши, ўз навбатида камбағаллик таъсир доирасидагилар сонини ҳам ортишига замин яратади. Бу эса, кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади.

3-жадвал

Ўзбекистонда унумли ва маҳсулдор бандлик тақчиллигини ҳисоблаш учун таклиф этилаётган услубиёт¹⁸

Т/р	Кўрсаткич номи	Таркибий элементлари
1.	Унумли ва маҳсулдор бандлик тақчиллиги (PE_D)	- меҳнат ресурслари сони;
		- иқтисодий нофаол аҳоли сони;
		- унумли ва маҳсулдор банд аҳоли сони.
$PE_D = LR - EIP - PE$ <i>бу ерда, LR — меҳнат ресурслари; EIP — иқтисодий нофаол аҳоли; PE — унумли ва маҳсулдор банд аҳоли.</i>		
2.	Иқтисодий нофаол аҳоли сони (EIP)	- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ўқувчилар ва талабалар сони;
		- болаларни парвариш қилаётган ишламайдиган аёллар сони;
		- уй бекалари ва мустақил равишда иш билан банд бўлмаган шахслар, шунингдек, кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар.
$EIP = PS + IW + VUP$, <i>бу ерда, PS — ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ўқувчилар ва талабалар; IW — болаларни парвариш қилаётган ишламайдиган аёллар; VUP — уй бекалари ва мустақил равишда иш билан банд бўлмаган шахслар, шунингдек, кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар.</i>		
3.	Меҳнат ресурслари сони (LR)	- меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли;
		- ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.
		$LR = WAPM + WTP$, <i>бу ерда, $WAPM$ — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли; WTP — ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.</i>
4.	Унумли ва маҳсулдор банд аҳоли (PE)	- иш билан банд бўлганлар сони;
		- иш билан банд, камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сони.
		$PE = E - W_{POOR}$, <i>бу ерда, E — иш билан банд бўлганлар сони; W_{POOR} — иш билан банд, камбағаллик таъсир доирасидаги аҳоли сони.</i>

¹⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Муаллиф фикрича, бугунги кунга қадар кўпгина ривожланаётган мамлакатларда, шулар қаторида МДХ давлатларида ҳам, унумли ва маҳсулдор бандлик тақчиллигини ҳисоблашга (3-жадвал) ҳеч қандай зарурат туғилмаган. Бироқ камбағалликка қарши кураш натижадорлиги учун ушбу кўрсаткичлар мониторинги аҳамиятли ҳисобланади.

